

Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2021 йил сентябрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида раислик қилувчи судья С.Расулов, судья ёрдамчиси Ш.Холматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Бозарбоев, судланувчи Н.Мнинг ҳимоячиси З.Валиевнинг иштирокида, жабрланувчи Б.Юнинг қатнашувида Н.Мга оид ***-сонли жиноят ишини кўриб чиқди

Иш ҳужжатларига кўра,

М.Н.А, 19** йил ** март куни Андижон шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, сомсапазлик қилади, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, Андижон шаҳар, **** МФЙ, **** кўчаси **-уйда яшайди, иш бўйича 2021 йил 12 июлда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 10 сентябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “л” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳни кўрсатувларини эшитиб, тарафларни фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и:

Судланувчи Н.М 2021 йил 11 июль куни соат 13 ларда Андижон шаҳар *** шоҳ кўчасидаги **-оилавий поликлиника ертўласида жойлашган автомашиналарга парда ишлаб чиқариш цехида Б.Ю билан ўзаро жанжаллашиб совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган хўжалик пичоғи билан Б.Юнинг кўкрак қафаси чап орқа соҳасига бир маротаба уриб, иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 03.08.2021 йилдаги 4445-сонли хулосасига асосан ҳаёт учун хавли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказган.

Судланувчи Н.М суд мажлисида айбига тўлиқ иқроп бўлиб, «2021 йил 11 июль куни турмуш ўртоғимни телефон аппаратини таъмирлатиб унга бериб қўйиш мақсадида иш жойига яъни *-поликлиника ертўласидаги парда ишлаб чиқариш цехига борганимда кейин таниган «Б»жон мени ичкарига киритмасдан бироз гап тортишиб кетдик ва у мен билан уришмоқчи бўлиб очки ва соатларини ечиб мени хотинимни олдида ҳақоратлаб, хотинимни ишлатмаслигини айтиб менга чеккароқ жойга боришимизни айтганида Бўстон даҳасига чиқиб у ерда бироз гап тортишиб мени машинасида олиб чиққан такси хайдовчиси бизларни ажратиб қўйганидан кейин қайтиб тушиб мен уйимга кетдим, уйга борганимдан кейин «Б»жонни гаплари мени нафсониятимга тегиб турмуш ўртоғимни у ерда ишлатмасдан олиб келиш мақсадида катта ўғлим билан у ерга қайтиб бориб



Ўғлимни онасини айтиб чиқиш учун киргизиб юбордим, орадан бир неча дақиқа ўтса ҳам ўғлим чиқавермагач хавотир олиб пастга тушганимда «Б» менга «сен яна келдингми» деб мушти билан юзимга уриб юборганида ерга йиқилиб ўша ердаги столга қадалиб қолганимда жahl устида стол устидаги пичоқни олиб «Б»га жарохат етказганимни ҳам билмасдан қолдим, шундан кейин «Б»ни ўша ердаги болалар касалхонага олиб кетишгач мен ҳам уйимга кетдим, ҳозирда қилган ишимдан пушаймонман, жабрланувчидан ҳам кечирим сўрайман, уч нафар вояга етмаган фарзандларим борлигини инobatга олиб енгиллик беришингизни сўрайман, «Б»жон ҳам менга тан жарохати етказган лекин у мени уриб жарохат етказгани бўйича жиноят иши қўзғатилишини хохламасдан бу ҳақида терговчига ўзим ариза ёзишдан бош тортдим.» деб кўрсатув берди.

Судланувчи ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб кўрсатув берганидан ташқари, унинг содир этган жинoий ҳаракатлари судда текширилган далиллар, жумладан:

Жабрланувчи Б.Юнинг суд мажлисида «2021 йил 11 июль куни «Н»бек билан шерикчиликда очган автомашиналарга парда ишлаб чиқариш цехига бoриб махсулотларни санаб топшираётганимда кейин таниган «Н» ака келиб ҳеч нарса демасдан ўша ерда турди, мен махсулотларни санаб бўлиб ташқарига чиққанимда «Н» ака менга “муомала бунақа бўлмайди” деб гапириб биз гап тортишиб кетдик, шундан кейин мен «Н» акага уришадиган бўлса чеккароқ жойга бoришимизни айтиб Бўстон даҳасига чиққанимиздан кейин ўзарo келишиб олиб пастга қайтиб тушдик ва мен яна цехга бoриб бoроз ўтирганимдан кейин ёшроқ бола кириб “ким дадам билан уришди” деганида мен уни «Н» акани ўғли эканини билиб тинчлантириб ташқарига олиб чиқаётганимда «Н» ака пастга қўлида пичоқ билан тушиб олд кўкрак қисмимни тилиб юборди, ўзимни химоя қилиш мақсадида «Н» акани қўлим билан бир маротаба урганимдан кейин у менга пичоқни санчиб жарохат етказди, ҳозирда жабрланувчига моддий ва маънавий даъвоим йўқ, унга енгиллик қилиб қўйиб юборсанглар ҳам бўлар эди.» деб берган кўрсатуви билан;

Гувоҳ Х.Ғнинг суд мажлисида «2021 йил 11 июль куни иш жойимда «Б» ака билан махсулотларни санаб турганимизда кейин таниган «Н» ака келиб цехда ишловчи турмуш ўртоғига телефон апаратини бoриб ташқарига чиққач «Б» ака билан муомаласи ёқмагани бўйича гап тортишиб кетишди ва машиналарга ўтириб қаергадир кетиб бoроз муддат ўтганидан кейин «Б» ака бир ўзи қайтиб келди ва ўша ерда ўтирди, мен омборхона томонга ўтиб кетганимдан кейин шoвқин овозларни эшитиб ортимга қайтганимда «Б» акани биқин соҳасини ушлаб чиқаётганини кўрдим, уни ташқарига олиб чиққанимда эса «Н» ака қўлида пичоқ ушлаган ҳoлатда турган экан, «Б» акани қўлида бўлган ва судда менга фотосурати кўрсатилган пичоқни ишхонада аввал кўрмаганман» деб берган кўрсатуви билан;



Юқорида қайд этилганлардан ташқари ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма ва илова фотосуратлар билан, суд-тиббий экспертизаси хулосаси билан, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова билан, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор билан ва суриштирув-тергов даврида тўпланган бошқа ёзма далиллар мажмуи билан ҳам судланувчини айби тўла ўз исбот ва тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Н.Мнинг ижтимоий ҳавфли қилмишлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, унинг ҳаракатларида совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб қасдан баданга оғир шикаст етказиш жиноят аломатлари ўз исбот ва тасдиғини топгани сабабли, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «л» банди билан квалификация қилишни;

Суд, Н.Мга жазо тайинлашда, ғаразли ва паст ниятларда, жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йилдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 01-сонли Қарорининг 37-бандида «ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин» деб кўрсатилган талабларини раҳбарликка олиб, судланувчини жиноят содир этганидан кейинги хулқ атворини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жиноятни ижтимоий ҳавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши керак деб кўрсатилган инсонпарварлик принципларига амал қилиб ҳамда жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб мазкур жиноят учун қонун санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан махрум қилиш жазосидан ҳам камроқ бўлган озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлашни;

Суд иш бўйича олинган ашёвий далилни муҳокама қилиб, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган 1 дона пичоқни йўқ қилишни лозим топади;

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460-463, 465-468, 471,473-моддаларига асосан

ҲУКМ КИЛАДИ:



М.Н.А Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «л» банди билан айбли деб топилсин.

Н.Мга ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми «л» банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 2 (икки) йил озодликдан махрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 11 июлдан бошлаб ҳисоблансин.

Н.Мга қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил 1 дона пичоқ йўқ қилинсин.

Жабрланувчининг моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса хукм нусхасини олган кундан бошлаб, 20 сутка ичида шу суд оркали Андижон вилоят судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

С.Расулов

